




Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш

МИЛЛИОНЛАБ АҲОЛИ СОНИ



Давлат статистика қўмитаси маълумоти

Ўзбекистонда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш



❖ Мустақил давлат сифатида биринчи марта ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш

❖ Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш БМТнинг Статистика комиссияси томонидан ўзининг 46-сессиясида тасдиқланган 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури доирасида ўтказилади.

- ❖ Европа мамлакатлари учун иқтисодий комиссия, Европа Иттифоқининг статистика хизмати ва Европадаги эркин савдо уюшмаси Ўзбекистонга 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишга (халқаро статистика стандартларини Ўзбекистонда тадбиқ қилинишининг кўшма кўриб чиқиши, 2018 йилда ўтказилган) устувор аҳамият беришни тавсия қилишган.
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 5 февралда Аҳолини рўйхатга олиш бўйича концепцияни тасдиқловчи Фармони имзоланди
- ❖ Аҳолини рўйхатга олиш 2022 йилнинг кузида ўтказилиши режалаштирилган
- ❖ Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун Вазирлар Маҳкамасига 2019 йил 1 июлда тақдим этилади

Аҳолини рўйхатга олиш - муайян вақт ичида мамлакатдаги барча шахсларга тааллуқли демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотни тўплаш, бирлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш жараёнидир.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни, маъмурий фаолиятни ёки илмий тадқиқотларни режалаштириш ва амалга ошириш учун аҳолининг миқдори, тақсимланиши ва таркиби ҳақида ишончли ва батафсил маълумотларга эга бўлиш лозим.


Аҳолини рўйхатга олиш натижалари турли ҳудудлар ва туманлар ўртасида моддий бойлик ва давлат маблағларини таълим, соғлиқни сақлаш, сайлов ҳудудларини ва ҳар бир кичик жойда ривожланишнинг таъсирини ўлчаш учун тақсимлашда тенгликни таъминлаш учун ишлатилади.

Аҳолини рўйхатга олиш статистикасидан статистик тўплам учун ёки танлаш сўровлари намуналарини олиш асоси сифатида фойдаланилади. Сараланган тадқиқотлар борган сари катта аҳамият касб этгани учун, аҳолини рўйхатга олиш асосида олинган демографик кўрсаткичлар ва уларнинг тизимсиз статистика тизими ишончли ва расмий маълумотларни тақдим қилишда қийинчиликка дуч келади.

Аҳолини рўйхатга олиш натижалари тадқиқот ва таҳлил учун мезон сифатида, ҳамда аҳолини прогнозлаштиришда ишлатилади.

2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш дастури

2020 йилда АҲОЛИНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШНИ
ЎТКАЗАДИГАН МАМЛАКАТЛАР
СОНИ ВА ҲУДУДЛАРИ



ДУНЁДАГИ ҲАҚИҚИЙ АҲОЛИ СОНИ -
2020 ЙИЛГИ ДАВР



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаменти, Статистика бошқармаси маълумотлари

Аҳолини рўйхатга олишни амалга ошираётган мамлакатларга ЮНФПанинг қўллаб-қувватлаши



- ❖ 2010 йилги аҳолини рўйхатга олиш даврида ЮНФПА 135 та мамлакатга, жумладан, 122 та ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатди
- ❖ Ёрдам сиёсат мулоқоти ва тарғибот учун техник ёрдам; салоҳиятни ривожлантириш; ускуналар ёки хизматларни харид қилиш; молиявий ёрдам; ҳамкор давлатлар номидан аҳолини рўйхатга олиш учун молиявий ресурсларни мувофиқлаштириш ва бошқариш; Жануб-Жанубга ҳамкорликни жадаллаштириш сифатида кўрсатилди.

ЮНФПанинг Ўзбекистонга 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришда ёрдами

- ❖ АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг методологиясига асосланиб, қўллаб-қувватланиши зарур бўлган бўшлиқлар ва соҳаларни аниқлаш учун имкониятларни баҳолаш
- ❖ Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси аҳолини рўйхатга олиш ва режалаштириш бўйича юқори малакали мутахассислардан бири томонидан кўриб чиқиши
- ❖ Аҳолини рўйхатга олиш режаси Россиянинг статистика агентлигидан аҳолини рўйхатга олиш бўйича халқаро эксперт кўмагида ишлаб чиқиши

БРМ ва аҳолини рўйхатга олиш

- ❖ Аҳолини рўйхатга олиш БРМнинг 17.19.2. кўрсатқичида таъкидланган ва аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида яратилган рақамли профил барча даражаларда далиллар асосида қарор қабул қилиш учун ишлатилади
- ❖ Аҳолини рўйхатга олиш қуйидаги саволга жавоб беради:
 - “Биз нечтамыз?”
 - Ёш, жинс, таълим, иш кучи мақоми, бандлик ва бошқа муҳим кўрсатқичларга кўра “Биз киммиз?”
 - Уй-жой, сув таъминоти, асосий шароитларнинг мавжудлиги ва Интернетнинг борлиги жиҳатидан “Биз қаерда яшаймиз?”
- ❖ Аҳоли билан боғлиқ элементлар БРМнинг деярли 40 фоизда акс эттирилган. “Ҳеч ким ортда қолмайди” тамойили асосидаги аниқ, тегишли ва ўз вақтида еғилган маълумотларсиз Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш бўйича ҳаракатни кузатиб бориш қобилиятимиз чекланиб қолади.

